

ТОШКЕНТ ХАҲИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 149 (4396).

29

И Ю Л Ъ

ЧОРШАНБА

1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ КОММУНИСТЛАР,
КОМСОМЛАРНИ, КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИНИ, КОЛХОЗЧИЛАРИНИ, СОВХОЗ-
ЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАНИНГ
БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИНИ ДАВЛАТ ПЛАНЛАРИНИ ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ-
ЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ РАВИШДА ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРИШ УЧУН, БЕШ ЙИЛ-
ЛИК ТОПШИРИҚЛАРИНИ МУДДАТИДАН АВВАЛ БАЖАРИШ УЧУН, СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXIV СЪЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН СОЦИА-
ЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИШГА ЧАҚИРАДИ.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИДАН)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1970 йил 28 июлда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлиб ўтди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВНИНГ «КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль Пленумининг якуналари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглади.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда: Тош-

кент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ф. Ш. ШАМСИДИНОВ, Ўзбекистон ССР тайёрлов министри М. АБДУРАЗЗОҚОВ, меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг раиси Қ. А. АХМЕДОВ, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАХИМОВ, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. КАМОЛОВ, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. РАСУЛОВ, Самарқанд область партия

комитетининг иккинчи секретари И. К. ТИТКОВ, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Р. ГОИПОВ, Пахтакор район партия комитетининг биринчи секретари В. Х. НАСРИДДИНОВ, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Қ. МУРТАЗОЕВ, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари И. М. МУРОДОВ, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари А. А. ХУЖАЕВ, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг иккинчи секретари

В. Б. АРСЕНТЬЕВ, Тошкент трактор заводининг директори И. К. ПРИПУСКОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Сарисий райондаги «Коммунизм» колхозининг раиси Б. ОМОНОВ, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиш министри Х. М. НОСИРОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорини яқдиллик билан маъқуллади ва уни амалга ошириш юзасидан, КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль пленумининг якуналари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми «КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль Пленумининг якуналари ва қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг навбатдаги вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг докладыни тинглаб ва муҳокама қилиб, мамнуният билан қуйидагиларни қайд этди: КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари партиянинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бўлган эҳтиёжларини тўлақон қондириш тўғрисида таъминлаш қийаётганлигини тасдиқловчи янги далиллар.

Ўзбекистон коммунистлари ва республиканинг барча меҳнаткашлари колхоз, совхоз ишлаб чиқаришини янада юксалтиришдан иборат кенг программадан яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсиблиштириш, механизациялаш ва химиялаштиришда, колхоз ва совхозларни ривожлантиришда қийинчилик ситмуллари оширишга қаратилган йўналиш изчиллик билан амалда ошириш натижаси, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий сиёсийларга эришдилар. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ривожлантириш бормоқда. Республикада 1966—1969 йилларда 2 миллион 964 миллион сўмлик ўртача йиллик янги маҳсулот тайёрланди. Бу—аввали беш йилликдагига нисбатан анча юқоридир.

Республиканинг асосий бойлиги—пахта етиштириш тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда. 1956—1968 йилларда етиштирилган ўртача йиллик пахта ҳосили 3 миллион тоналик ташкил этган бўлса, 1961—1965 йилларда 3,5 миллион тоналга, 1966—1969 йилларда эса 4 миллион тоналга етди. Пахта ҳосилдорлиги ўтган беш йилликда гектар бошига олинган 21,9 центнер ўрнига 1966—1969 йилларда 24,6 центнерга етди.

Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди. Дон, тамаки, пилла, тукум ва қорақўл тери тайёрлаш беш йиллик планлари мундарида илгари бажарилди.

Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустақамлашди. Кейинги тўрт йил ичида колхозларнинг ўртача йиллик янги даромади 17,3 процент, совхозларнинг янги маҳсулоти эса 18,4 процент кўпайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми шу билан бирга республика қишлоқ хўжалигида ҳади ҳал этилмаган масалалар кўп, деб таъкидлайди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида республикадаги мавжуд имкониятлардан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик екинлари янги ҳосилни кўпайтириш учун тўлиқ фойдаланмаётган, деб жуда тўғри кўрсатиб ўтилди.

Ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан етарли даражада фойдаланмаётганлиги, деҳқончилик маданиятининг паст даражада эканлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишни илгир метоллари суст жорий қилинаётганлиги орасида кўпгина колхоз ва совхозлар пахта, дон, озуқа екинлари ва бошқа екинлардан кам ҳосил олмақдалар, чорва мол ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини суст оширмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республикадаги қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва таъмирлаш органлари колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтириш вазифаларини ҳал этишда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаб беришни уюштиришда уларга суст ёрдам бермоқдалар деб ҳисоблайди.

Қишлоқ хўжалиги министрилиги, шунингдек Союз-НХИИ ва республикадаги бошқа илмий-тадқиқот муассасалари энг муҳим проблемаларни ўргатиш соҳасида, хусусан вилтга қарши курашни, пахта ва бошқа екинларнинг селекцияси ҳамда уруғчиликни яхшилаш, молларнинг голт маҳсулдор зотларини кўпайтириш соҳасида тегишли ишларнинг олиб борилаётган таъминламалар.

Қишлоқда қурилиш ишларини анча яхшилаш талаб этилади. Қишлоқ қурилиш министрилигининг қўлини пудратчи ташкилотлар қишлоқ хўжалик объектилари, қишлоқ пудрат ишлари планларини бажармаётганлар. Қишлоқ хўжалик министрилиги қурилишдаги пул ажратишлар расмийлаштиришни ва уларни лойиха ва смета ҳужжатлари билан таъминлашни қўйишга пайсалга соймоқда. Қишлоқлардаги қурилишларни моддий-техника жиҳатдан узлуқсиз таъминлаб туриш йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми айрим область ва районлардаги партия ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалигига юзани раҳбарлик қилмоқдалар, колхоз ва совхозларнинг маҳсулот етиштиришнинг кўпайтириш ва унинг ташкилотини кайайтириш учун резервлардан тўлақон фойдаланиш соҳасидаги ишларга суст етакчилик қилмоқдалар, хўжаликнинг ва планларни бажаришдаги интенсиблиштириш фактларига қарши қатъий кураш олиб бормайтирлар, колхоз ва совхозларни юқори маҳалла кадрлар билан мустақамлаштириш учун етарли чора кўрмайтирлар, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

1. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг «Қишлоқ хўжалиги соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги қарори маъқуллашдан ва оғим-йил амал қилиш ҳамда ижро этиш учун дастур деб қабул қилинсин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XIX ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бутун куч ва воситаларни Пленум қарорларини амалга оширишга сафарбар қилишлари, барча қишлоқ хўжалик екинларининг ҳосилдорлигини ошириш ва пахта, дон, шу жумладан шол, гўшт, сут, сабзавот, полза екинлари маҳсулотлари ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни узлуқсиз кўпайтиришни таъминлаш учун умумхалқ курашини авж олдиришлари керак.

2. Пленум пахтачиликни бутун чоралар билан юксалтириш бундан бундан ҳам республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўли бўлиб қолади, деб ҳисоблайди.

Навбатдаги беш йилликда ҳар бир колхоз ва совхозда пахта ҳосилдорлигини анча ошириш зарур, токи беш йиллик охирига келиб республикада пахта ҳосили гектар бошига ўрта ҳисобда 26 центнерга, яъни 29 центнерга кўпайтирилсин ва 1975 йилда етиштириладиган пахта 4 миллион 600 минг тоннага етказилсин.

Шу мақсадда республика қишлоқ хўжалиги министрилиги, область ва районлардаги партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органлари деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва одам кучи ресурсларидан, ер-сув ва моддий-техникавий ресурслардан самарали фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалигининг янги энг муҳим тармоғини ривожлантиришнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни амалга ошириш йўли билан колхоз ва совхозларга амалий ёрдам беришлари лозим.

Ҳар бир колхоз ва совхознинг ҳар бир район ва областнинг пахтачиликни ривожлантириш планларининг бажарилиши таъминлаш—партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси, бу улар бажариладиган ишларнинг ўзгармас қонуни, республика меҳнаткашларининг барча қардош совет халқлари олдидаги ватанпарварлик ва интернационал бурчидир.

3. Пленум Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрилигига, Ўзбекистон ССР Меҳнаткор ва сув хўжалиги министрилигига, «Главселекционер»га, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига 465 минг гектар янги ерларни сугориш, шу жумладан, 385 минг гектар еригн ўзлаштириш, 610 минг гектар майдонда сугориладиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, 230 минг гектар сугориладиган майдонда капитал планировка ўтказиш ва 750 минг гектар майдонда сугориш системаларини реконструкция қилиш ва бу майдонларни сув билан кўпроқ таъминлаш юзасидан беш йиллик топшириқларнинг 1971—1975 йилларда бажарилишини таъминлаш топширилсин.

4. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми сабзавот, полза екинлари маҳсулотлари, мева ва уюм етиштиришнинг янада кўпайтиришга, бунинг учун республикада мавжуд бўлган қулай шaroитдан тўлақон фойдаланишга катта аҳамият беради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Картошка, сабзавот ва мева етиштиришнинг кўпайтириш, уларни тайёрлашни яхшилаш ва аҳолини бу маҳсулотлар билан таъминлаш чоралари тўғрисида»ги 1970 йил 27 март қарорига асос қилиб, 1975 йилда сабзавот етиштириш 1 миллион 373 минг тоннага, полза екинлари маҳсулоти 950 минг тоннага, картошка 300 минг тоннага, мева 337 минг тоннага ва уюм 400 минг тоннага етказилсин.

Бу мақсадларни сотишни анча яхшилаш, уларни яхши сақлаш, аҳолини бундай маҳсулотлар билан узлуқсиз таъминлаб туриш, сабзавот, полза екинлари маҳсулотлари ва мева-фруктлар билан таъминлаш мундарида умумийтўғри фондига етказиб беришни таъминлаш зарур.

5. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг эътиборини чорвачиликка раҳбарлигини тўда яхшилаш зарурлигига жалб этади. Чорва моллар маҳсулдорлигини оширишга, чорва мол ва паррандаларнинг ҳамма турларини кўпайтиришга, гўшт, сут, тукум ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш анча оширишга эҳтишом зарур.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига янги беш йилликда ҳар бир колхоз ва совхознинг чорвачиликни ривожлантириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишнинг таъминлаш топширилсин, токи маҳсулот етиштириш таъминлаш бир лoим бажарилсин, тукум етиштириш эса икки баравар оширилсин.

Паррандачиликни ва чорвачиликнинг тез етилмаган тармоқларини ривожлантиришга, шунингдек ем-хашак базасини мустақамлашга алоҳида эътибор берилинсин. Беда, маканхўхори ва бошқа озуқа екинларининг ҳосилдорлиги оширилсин, ем-хашак етиштириш анча кўпайтиришга эришилсин, йилловларни яхшилаш ва сув билан таъминлаш ишлари кенгайтирилсин. Колхоз ва совхозларда омухта ем етиштириш кўпайтирилсин.

6. Пленум йиллачиликни янада ривожлантириш, пилла етиштиришнинг кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилашга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросига ва республика Министрлар Советига шу соҳа бўйича 1971—1975 йилларга мўлжалланган тадбирларини ишлаб чиқиш, бу тадбирларда ишлаб чиқариш базасини мустақамлаш, япак куртини сапоат асосида боқилиш уюштириш, озуқа базасини кенгайтириш, механизация, фан ва илгир тажриба ютуқларидан кенг фойдаланиш масалаларини кўзда тутишни топширади.

7. Пахта, шол ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини етиштиришнинг кўпайтириш сув хўжалиги қурилишнинг ривожлантириш билан ҳамбарас боғлиқ аҳамиятга таъкидлаб, республика қишлоқ хўжалиги министри-

гига, Меҳнаткор ва сув хўжалиги министрилигига, «Главселекционер»га, «Узсельхозтехника»га, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига 465 минг гектар янги ерларни сугориш, шу жумладан, 385 минг гектар еригн ўзлаштириш, 610 минг гектар майдонда сугориладиган ерларнинг мелiorация ҳолатини яхшилаш, 230 минг гектар сугориладиган майдонда капитал планировка ўтказиш ва 750 минг гектар майдонда сугориш системаларини реконструкция қилиш ва бу майдонларни сув билан кўпроқ таъминлаш юзасидан беш йиллик топшириқларнинг 1971—1975 йилларда бажарилишини таъминлаш топширилсин.

Мирзачўл ва Сурхон—Шеробод даштларида, Марназай Фарғонада янги пахтачилик совхозлари ва Қорақалпоғистон АССРда, Хоразм, Тошкент ва Сирдарё областларида янги шoликорлик совхозлари қурилиши бутун чоралар билан жадаллаштирилсин.

Қарши давлатнинг Ўзбекистон юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан КПСС Марказий Комитети ва ҳамда СССР Министрлар Советининг 1970 йил 25 июль қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган қонкрет чоралар маъқуллашсин, бу чоралар КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларини амалга оширишга қаратилган ва ўз вақтида қўрилган чоралар деб ҳисоблансин.

Сув хўжалиги ташкилотларида ишлаб чиқариш—қурилиш базаларини ривожлантириш, қурувчи кадрларни ва янги ерларни ўзлаштирувчиларни тайёрлаш, сув хўжалиги қурилишда техника тармақининг жадаллаштириш юзасидан зарур чоралар кўриш лoим.

Колхоз ва совхозларнинг ўз маблағлари ҳисобига ирригация-мелiorация ишларини бажариш соҳасидаги таъминлаш бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин.

8. Пленум республикада трактор, қишлоқ хўжалик машинасозлиги ва мелiorация машинасозлиги, химия саноати корхоналарини янада ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини машиналар, транспорт воситалари, запас қисмлар ва меҳнат ўғитларга бўлган эҳтиёжларини тўлақон қондириш учун бу корхоналарда қўшимча ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтиришга катта аҳамият беради.

Қишлоқ хўжалигини янги техника билан таъминлаш вазифаларини ҳал этишда республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари актив иштирок қилиши керак. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорига жавобан бу йил қишлоқ хўжалиги учун планда таъкир ача кўп миқдорда машина ишлаб чиқаришга қарор берган «Ташселмаш», трактор заводи, трактор-йўтув заводи, «Узсельмаш», «Чирчиксельмаш» заводларининг таъминоти, шунингдек икки резервлардан фойдаланган ҳолда, асосий программа бажарилишга зарар етказмай, қишлоқ хўжалиги учун механизмлар, запас қисмлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қарор берган Тошкентдаги кабель, электротехника ва компрессор заводлари, Андижондаги машинасозлик, «Электродинагель», «Андижонмаш» заводлари, «Ўзбекмашмаш» заводи ва бошқа корхоналарнинг таъминоти маъқуллашсин.

9. Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс механизациялаш учун зарур бўлган янги ҳам муқаммал қишлоқ хўжалик техникасини яратиш ишларини кўпайтириш республика министриликлари ва илдорларнинг, илмий тадқиқот институтлари ва конструкторлик бюлроларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблансин. Чорвачиликдаги сермеханиз ишларни механизациялашга алоҳида эътибор берилинсин, машина ва механизмларнинг сифати, пухталлиги ҳамда чидамлилиги анча оширилсин.

Қишлоқ хўжалик ва сув хўжалик органлари, совет ва партия ташкилотлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари тракторлар, ер қазичи машиналари ва бошқа қурилиш механизмларидан юқори унум билан фойдаланиш, ремонт базасини мустақамлаш ва механизатор кадрлар маҳаласини ошириш чораларини кўрсатган, уларга меҳнат қилиш ва яшап учун нормал шaroит яратиб бериш тўғрисида кўпроқ таъминлаш қилинлар.

10. Қурилиш ташкилотларини ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, 1975 йилга бoрғанда Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрилиги ва «Узсельхозстрой»нинг ҳар бир йили 250—300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариладиган бўлишини таъминлаш, қишлоқ қурилиш сифатини ошириш Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрилиги билан «Узсельхозстрой»га топширилсин.

Пленум республика Министрлар Советига колхоз ва совхозлардаги қурилишга бошқа қурилиш министриликлари ва ташкилотларини кенгроқ жалб қилишни топширади.

Қишлоқдаги капитал қурилишга эътиборни кучайтириш, қишлоқлардаги қурилиш ташкилотларига ҳар томонлама ёрдам бериб туриш, шаҳар ва район партия ташкилотларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область ва район советлари ижроия комитетларига топширилсин.

11. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқотларни янада ривожлантиришга, фан билан колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг болганишини кенгайтириш ва мустақамлашга муҳим аҳамият бериб, Қишлоқ хўжалиги министрилигига, илмий тадқиқот институтларининг раҳбарларига ва партия ташкилотларига илмий муассасалар фаолиятини яхшилаш чораларини амалга ошириш топширилсин. Олимларнинг куч-гайрати перспектив проблемаларни ишлаб чиқишга, биринчи галда

вилтга қарши курашга, пахта, шол ва бошқа қишлоқ хўжалик екинларининг вилтга бердoш берадиган янги серхосил навларини, чорва молларининг сермахсул зотларини яратишга ва уларни колхоз-совхозларда тeарoқ жорий этишга, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг анча муқаммал юксак даражада тежамли технология жараёларини ва янги механизация воситаларини ишлаб чиқишга сафарбар қилинсин.

12. Қишлоқ хўжалик органларини, колхоз ва совхозларни раҳбар кадрлар билан, мутахассислар ва ўрта бўли кадрлари билан ҳар томонлама мустақамлаштириш, колхоз хўжалик ишлаб чиқаришдаги партия ташкилотларининг тўғри йўлланмаларини таъминлаш, омма орасидаги таъминотилик ва сoғий-ийн яхшилаш топширилсин. КПСС Марказий Комитети июль пленумининг қарорига кўрсатиб ўтилганлиги колхоз ва совхозларда деҳқончилик ва чорвачилик маданиятини ошириш, фан ва илгир тажриба муваффақиятларини жорий этиш, капитал маблағлардан, ер, сув, техника, ўғитдан ҳамда бошқа моддий ресурслар ва пуд маблағларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда пахта қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга соғийни кўпайтиришни таъминлаш масалалари қишлоқ партия ташкилотларининг диққат марказида туриши лoим. Колхозчилар билан совхоз ишчиларининг меҳнат ва турмуш шaroитлари тўғрисида кўпроқ таъминлаш қилиш, қишлоқдаги ҳаётнинг яхшиланishi этириш зарур. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасидаги янги вазифаларини ҳал этишда партия органлари маҳаллий Советларнинг, касаба союзуларининг ва комсомол ташкилотларининг ролини, маъсулиятини оширишлари керак.

13. Колхоз ва совхозлар иши билан чуқур шугулланиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ташкил иилишда уларга кўпроқ малакали ёрдам бериб туриш, ердан, сув ресурсларидан, давлат ва колхоз маблағларидан фойдаланишдаги хўжаликчи ва сoғирчиликчи қарни, маҳаллийчиликни ва бировлар ҳисобига яшап қайфиятга қарши кескин кураш олиб бериш, хўжалик ҳисобини кунт билан жорий этиш, колхоз ва совхозларнинг мол-хўжалик фаолиятини синчилаб кузатиб туриш—Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советларининг ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалиги министрилигига, Меҳнаткор ва сув хўжалиги министрилигига, «Узсельхозтехника» бирлашмасига, «Главселекционер»га, Тайёрлов министрилигига ва уларнинг жоилардаги органларига топширилсин.

Бу масалалар Ўзбекистон Компартияси Марназий Комитети Бюросининг, область ва район партия комитетларининг доимий контроли остида бўлиши керак. Пленум колхоз ва совхозларда Совет қонуларининг ижро этилишини яттиб кузатиб туришни, уларнинг мол-хўжалик фаолиятини назорат қилишнинг активроқ аниқлаш, колхоз ва давлат маблағларининг растрата қилинишига ва ўғирлашига қарши курашни кучайтиришнинг республика халқ контроли комитетидан, прокуратурасидан, Ички ишлар министрилигидан талаб қилади.

14. Ўзбекистон ССР Саноат ва Қурилиш министрилигига ҳамда илдорларига, шаҳар партия комитетларига, саноат корхоналари ва қурилишларнинг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қишлоқ хўжалиги учун берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, қишлоққа машина ускуналар, ўғит, қурилиш материаллари ва бошқа материаллар етказиб беришнинг кўпайтиришнинг қўшимча резервалари ва маблағларини қўйиб туриш, энг янги техникани қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда жорий этишга актив қўмлашнинг топширилсин.

15. Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига коммунистлар билан меҳнаткашларга КПСС Марназий Комитети июль Пленуми материалларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладыни тушунтириб бериш ва уларнинг бу ҳужжатларини чуқур ўрганишга доир ишларни кенг авж олдириб юбориш топширилсин. Бу ишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль Пленуми қарорларини пропаганда қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қарорига асос қилинсин. Пленум материалларини тушунтириш ва пропаганда қилиш ишига раҳбар партия, совет, касаба союз ва

У М Р И М БОРИЧА...

хатини текшириш ва чора кўриш учун Чилонзор район кичиряк йетиғитига юборган эди. Қўйида катта келган жавобини босаётганди. «Текшириб қўрилганда ҳақиқатларини фактлар асосан тасдиқланди. Кўчанинг 34-мактаб Мадаиний уйғачга бўлган қисми ремонт қилиш кўли тузатиш ва ялғузлаштириш қилиш босқичлари бошланиш ўрток Б. Шераевга таширилган. Тез кунда кўча мондан чиқарилади.

Район коммунал хўжалиги
лими мулқин



К И З

И. ШОИНОГОМОВ фотосн.

И Б...

квартирлари турар-жой биноси
сўнги сайёал бериш ишларини
олиб боришмоқда.

Буюкчилардан Риверт Бар-
лин, Нада Шароменко, Кат-
Климова, Алексей Навально-
лар кунлик нормаларини 1,5—

ТОШКЕНТ маданият оқартуи техникумининг иккинчи курс студентлари Ўзги ишлаб чиқариш практикалариини Газалкентдаги ИТБ тубхонада ўтказдилар. Суратда кутубхона мудираси Л. Нуриим ва (ўртада) практикантлардан Ю. Юсупова ва Г. Нигматжоновалар.

И. ПОРТНОВ фотоси.

ДНН - РЕПЛАР
ОЗООЛГИ ДУШМАНИ

TO'NG XAETHON
SITMAO-TUHAMAO HAO
NACH BHAYAN 201
AETHA HONKATTA HITA-
RAHAY.

ҳиссадан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Дарҳақиқат, юбилей йилининг

ҳар кватталида барча кўрсаткичлар бўйича леиҷадамлик қўлаётган участка аъзолари айни кунларда қурувчилар байрамига мазкур турар-жой биноси-ни фойдаланишга топширишмоқчи.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
НАТИЖАЛАРИНИ
МАЪЛУК ҚИЛАДИ
КУЧАМИЗ ҚАЧОН
ТУЗАЛАДИ?

Пойтахтимиз Чилонзор райо-
даги «Бешёроҳ» кўч-
атрофида юзлаб хонад-
лашайди. Бу ерда «Ха-
қат», «Чақар», «Ўзбекистон»,

беш йиллик», Охунбобоев но
маҳаллалар жойлашган. Лекин,
кўчадан қада ҳам, ки
да ҳам юриб бўлмайд
Чунки бир неча йиллар
буён ремонт қилинмаганлиги

кўчамиз ўйдим-чуқур бўлиб ётиб
Айниқса қиш ойларида болалар
мактабга боришга анча қийнала-
лар. Мактабга қатнаётган болалар
ни албатта оиланинг бирор аъзо
кузатиб қўйишга мажбур бўлади.
Кўчалардаги электр кабел-
ҳам кўпчила бузилиб ётади. Улар
ни тузатадиган ташкилотлар

Бир гуруҳи маҳалла активистлари номидан
Н. ШОТИЛДЛАЕВ
Редакция шундай мазмунда хатни топширишди, ва ҳозир ушбу

учун Чилонзор район ижроия
митетига юборган эди. Қўйида
хатга келган жавобни босаётирм
«Текшириб кўрилганда ха
келтирилган фактлар асосан

Район коммунал хўжалиги
лими мулки

ҳиссадан бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.
Дарҳақиқат, юбилей йилининг

ҳар кватталида барча кўрсаткичлар бўйича леиҷадамлик қўлаётган участка аъзолари айни кунларда қурувчилар байрамига мазкур турар-жой биноси-ни фойдаланишга топширишмоқчи.

Э. ТУЛАГАНОВ.

Н. ГАНИЕВ

БУТУН КУЧ-ЎЎЗА ПАРВАРИШИГА!

- * ИШГА ЯРОҚЛИ ҲАР БИР КИШИ ДАЛАГА ЧИҚСИН. ҲОСИЛ ТАҚДИРИ ШУ КУНЛАРДАГИ МЕҲНАТИМИЗГА БОҒЛИҚ.
- * ҒЎЗАНИ ҚОНДИРИБ СУҒОРАЙЛИК. КУЛЬТИВАЦИЯ СИФАТЛИ БЎЛСИН.
- * ҚОЛОҚ УЧАСТКАЛАРДАГИ ҒЎЗАЛАРНИ АЛОҲИДА ПАРВАРИШ ҚИЛИБ, УЛАРНИ ТЕЗРОҚ ҲОСИЛГА КИРИТИБ ОЛАЙЛИК.
- * ЧЕКАНКАНИ ТЕЗРОҚ ТУГАЛЛАЙЛИК.
- * СУВЧИ ВА МЕХАНИЗАТОРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИБ, УЛАРНИНГ УНУМЛИ ИШЛАШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИК.

ЎРТАЧИРЧИКЛИКЛАР, ҲОСИЛ УЧУН КУРАШНИ БЎШАШТИРМАНГ

ТЎПТЕПА. (Ўз мухбиримиздан). КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми муносабати билан янги тартибдаги таъсиротларни қўйишга ва унинг қўллаб-қувватлаган Ўрта Чирчиқ район парваршичи бўлиб йилда улкан хирмон қўтаришга бел боғлаганини, Шунинг учун район парваршичи асосий пахта майдонларида яхши ривожланган серхосил ғўза етиштиришга муваффақ бўлганлар.

Лекин, Ўрта Чирчиқда ҳамма нисп жойида, энди қўлни қовуштириб пахта очилишини кута берса бўлади, деган сўз эмас. Деярли ҳамма хўжаликларда ҳам ғўзаси сийрак, ривож паст пайкалар бор.

Тошкент қирғиғида ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш ижтимоий институтига қарашли ўқув хўжалигида айниқса аҳвол ёмон. Бу хўжаликда ўт босган, ғўзаси сийрак ва ривож паст, агротехника тадбирлари тўлиқ ўтказилмаган пайкалар кўп.

Шунингдек, бошқа хўжаликларда ғўзаси яхши кўринса ҳам ҳосил олмаган пайкалар учрайди. Олимлар, тажрибали деҳқонлар айтиш кунларда, ғўзанинг гули тепасидан кўринмаслиги керак, дейдилар, чунки ҳозир ғўзанинг гули тепа-

дан кўринса сувдан қолган бўлади. Район хўжаликларидея тепасидан гули кўрина бошлаган ерлар ҳам учрайди. Демак, районда ғўза парваршичи соҳасидаги ҳамма ишлар кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун ҳам деярли ҳамма хўжаликлар янги тартибдаги таъсиротларни қўйиш, ғўза парваршишини кучайтиришга зўр беришлари керак. Қўшимча тадбирларни амалга ошириш лозим.

Қўйишче номли колхоз раиси Абдулахат Қаршибоев 1324 гектар пахта майдондан 80 гектар кўнгилдагидек эмас, деди. Шунинг учун далага гўнг ташилиб, ривож паст ғўзаларга қўл билан солиниб, алоҳида парваршиш қилиниш ташкил этганлар. Карл Маркс номи, «Ленин йўли» ва бошқа хўжаликларда ҳам гўнг ташилиб, қолоқ ерларга шарбат оқизилди.

Киров номи совхозда ғўзага шарбат қилиб оқизиш учун далага 944 тонна гўнг ташиб чиқилган. Ғўзани қондириб суғориш чоралари қўрилди.

Акмал Икромов номи колхозда мўл ҳосил етиштириш учун етарли миқдорда қўнат бор. Бироқ бу ерда ғўза вақтида суғорилмагани учун гули тепасига чиқиб кетган.

Ҳозир райондаги хўжаликларда ишни сира ҳам бўша-

тириш мумкин эмас. Бундан ташқари, ғўза нормал ривожланган ерларда чеканка қилиш мумкин. «Поларная звезда», Карл Маркс номи, Ленин номи, Терешкова номи колхозларда чеканка тугалланди деб қолди. Одатда, агротехника қондаларига кура ғўза 15 та ҳосил шохи чиққандан кейин чеканка қилинади. Лекин, айрим жойларда бунга риоя қилинмаган. Ғўза яхши ўсмаган, шохи ўн бештага етмаган бўлса ҳам чеканка бошланган. Шу билан ҳаводан, оғирдан фойдаланиб, тез етилиши мумкин бўлган тепадаги ғўза шохлари олиб ташланган. Бундай чеканка фойда ўрнига зиён етказиши мумкин.

Ҳозир ғўзаларда ҳосил се-роб, Шунинг учун айни пайтдаги асосий ва ҳал қилувчи вазифа мавжуд ҳосилни, айниқса, пастки шохлардаги ҳосилни сақлаб қолишдан иборатдир. Пастки шохлардаги кўсак намайса, ҳосил ҳам намайди. Ҳосилни сақлаб қолиш эса, парваршишга, талабига қараб суғоришга, ўз вақтида озиқ-лангирни беришга, чунки мева-ва кирган ғўза кўпроқ озиқ, сув талаб қилади.

Ғўзани шу кунларда суғорганда ортиқча захлатиб юборилса, вилтнинг ривожланиши-

га шароит яратилган бўлади. Ваҳоланки айрим жойларда ғўзаларни ҳалдан ташқари қўлатиб суғорилаётганини кўриш мумкин.


«Коммунизм» колхозда ғўзани икки томонлама культивация қилинипти. Бу қир ерларда нам сақлаш учун катта аҳамиятга эга. Бу йил чеканка машина билан ўтказилмоқда. Чеканкани сув қўйишдан олдин ўтказиш маъмул. Чунки ғўза сувдан чинкунча 10—15 кун ўтади. Ғўза бўйига ўсиб кетади.

Яқинда Ўрта Чирчиқ районида агротехника Советининг йиллиги бўлди. Унда ҳозирги пайтда даладаги аҳвол таҳлил қилиниди ва бундан сўнгги ишлар маслаҳатлашиб олинди.

Пахтакор мавжуд намуналикларни тугатиш учун шу кунларда ҳар томонлама қизғин иш бошлаб юборилди. Ғўзани талабига қараб суғориш, нам-ҳосилли ғўзаларни серхосилли ғўзаларга тенглаштириш учун қўшимча озиқлангирни ташкил қилиб, даладаги етиштирилган ҳосил тугунчаларини тўла сақлаб қолишга қаратилган барча тадбирларни амалга оширишмоқда.

Б. ҲАЛИЛОВ.

СУВЧИ ҒЎЗАНИ ЯШНАТУВЧИ



Эски Тошкент. Янгиёул районида қарашли «Москва» колхозининг далаларида қўлаб отахонларимиз ҳам ишлашяпти. Улар мўл ҳосил тўлашдек узуг ишга мўносиб хиссаларини қўйишмоқда. Суғарида: Анорбой ота Хатамбоев. У ғўзани қондириб суғоришда бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДАЛАГА ХАШАК ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 27 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(тошириққа нисбатан процент ҳисобида)	
Юқори Чирчиқ	64,6
Оққўрғон	54,6
Ўрта Чирчиқ	50,0
Калинин	49,3
Бўка	48,9
Оржоникидзе	48,0
Янгиёул	43,8
Бустонлиқ	40,9
Бекобод	40,3
Область бўйича	49,3

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА САБАВОТ ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 27 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Индик планга нисбатан процент ҳисобида)	
Оққўрғон	64,7
Бўка	27,7
Калинин	26,9
Янгиёул	25,9
Ўрта Чирчиқ	21,1
Оржоникидзе	20,3
Юқори Чирчиқ	17,5
Бустонлиқ	17,2
Бекобод	9,1
Область бўйича	23,6

ПАХТАЗОР ЧОРЛАЙДИ

Элас-элас эсаётган майнинг тонг шабадаси дилларни қитқилди, танга ором бахш этади. У, бепоян дала ичра ястанган ғўза тўпларини оҳиста аллалайди. Шига-шига кўсаклар шамолда тебраниб кўзни қувонтиради, деҳқон қалбда ҳис-ҳаяжон уйғотади.

Ўрта бўйли, қадди-қомати келинган сермўйлов киши эгат орадаб боради. Унинг абжир ҳаракатини, қаңқон кўзларини, табассумга тўлиқ очик чеҳрасини кўрган киши бир зум тикилиб қолади. Маҳкам ота шигал кўсакларни авайлаб ушлаб, шона ва гулларни аста пайпасларди. Ҳа, бригадирнинг хурсандлиги, нафисати чоғ эканининг босиб бор. Далада ҳавас қилса арза-гулик ҳосил тўпланмоқда.

Ҳаракатда баракат, деганлар, 75 гектар пахта майдонига оғир шароитда, кунни-кунга улаб, қалб кўри, билан кучи билан самарали меҳнат қилиди. Тажрибадор деҳқон, ўзининг кўп йиллик барнамош умрини далада, пахтачилликда ўтказган Маҳкам ота бригада шунқорлари билан орта кўк-ламдан ҳаракат қила бошлади. Яхши ният билан қадалган уруғ қисқа муддатда унб чинди. Деҳқоннинг ташвишли кунлари бошланди. Ҳар бир тўп-ниҳол гўдак наби диққат-этиб бори талаб этар, деҳқон эса куну-тун унинг ёнида бўлиб, озиқлантириб, суғарида. Қатор орадар об-тобида юмшатиб туриди. Ўзларини тўтиб олган ғўзалар эркин, соғлом ўси. Оғиратда баранали ҳосил тўпланишга эришилди.

Уста ғўзани чаққитиб қўйиб зарарли эканлигини яхши билди. Шу сабабдан Маҳкам ота Соҳибов шу кунлари бригада сувчилари Эшназир Азизов, Шойим Салимов, Эргаш Соҳибов, Қадҳор ака Маллаев билан куну-тун бирга бўлмоқда. Дала шийониди, катта ҳовуз ёнида ёғи қоврат ўрнатилган. Унда пар ёстиқ ва кўрпалар ёзилди. «Эфир-67» радиоприёмни сўрида туриди. Нарироқда миришкорлар эгат орадаларига меҳрида сув тараб, ўзларига биркирилган майдонларнинг текис намлигини таъминламоқдалар. Ҳозиргача майдонлардаги ғўзалар уч марта қондириб, суғорилади.

— Бу ерлар сувга яхши қонибди, — деди бригадир. — Бизлардан кўнглингиз тўқ бўлсин, — ҳозиржавоблик қилди сувчи Қадҳор ака. — Ўша гап гап: битта ғўза тўпини ҳам чаққитиб қўймайиз. Ҳозиргина дала кездим. Эшна-

зир, Шойим, Эргашлар ҳаракатда. Зилот сув эгат орадаларига бир текисда оқиб турибди. Айтиб қўйиб, шийондаги бизларга атай келтирилган кўчма газ қозонига қойиб қолаймиз. Кеча чўчи-чўчиб ош қилганди, бирам ширин бўлибдики, еб тўймайсан, киши.

— Дала шийонларини ободонлаштириш раҳбар ўртоқларининг жонкуярлиги билан амалга ошмоқда. — Тушунтирди Маҳкам ота. — Ҳа деҳқонларга ғамхўрлик охири боришти.

Бир зумда ҳамма ёқни қиз ба аёллар туруни қоллади. Ўлар сув ёнадаб боришар, ўлар ҳозиргача гаплар айтишиб шуҳ кулдилар.

Ҳайратли, хушчақчақ аёлларимиз борда, гап очди бригадир, сувчида қараб. Уй-рўзгор ишларини ҳам қўйилтиришди. Вақтида далага чиқиб, бригада ишларини ба-жаришди.

— Ширин, Нортон Тур-сув, Соатойлар Хушбек Назаров зеносидан бўлишди, — деди Қадҳор ака. — Трантор оғи етмаган майдон чеканкари, нотекис ерларни чеканка қилишмоқда. Умрларидан баранка толишини, катта мадад беришди.

Маҳкам ота тушундики бригада аъзоларини шийонга тўплаб, кичик мажлис ўтказди. — Болаларим, — оғир вазминда гап бошлади ота. Район парваршичларининг нағмаси бўлиб ўтди. Пахта қатор орадаларига ишлов беришини бо-риши, июль—август ойларида пахта парваршини кучайтириш тадбирлари қўрилди. Ба-жари, фойдалани гаплар бўлди, муҳим масалалар кўтариб чи-қилди. Районимиз бўйича Хо-разм область Янгиарқ район қишлоқ хўжалиги меҳнатшог-ларининг таъъини қўйилди, КПСС XXIV съезди шарафига 77 минг тонна «оқ олтин» интиштириб оиди мажбурияти олинди. Биз ҳам ташаббусга қўшилиб, гектаридан 30 цент-нерлик баранали ҳосил тўпла-шимиз керак.

Ҳа, Маҳкам ота Соҳибоев раҳбарлиги қилаётган биринчи бригада пахтазорларига бўлар экансиз, муҳир деҳқонларнинг гайрат ва шижоати туфайли етиштирилган баранали ҳосилни кўриб, кўнглиз қувонади. Бу ўз ўрнида саҳий қалб эгаларининг Батан олдида эсималарига олган юксак маж-бурият бажаришларидан далолат бериб турибди.

И. ЮСУПОВ.

Бўка район Тимирязев номи колхоз.

ДУНЁ ОВОЗИ

В. И. Ленинга бағишланган йиғилиш

МОНТЕВИДЕО, 27 июль. (ТАСС). Уругвай миллий уни-верситетидея йилда Ленин юби-лейига бағишланган таътанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш-да сўзга чиққан ана шу ўқув юртининг ректори Оскар Маг-гнело Лениннинг яхши револю-цион назарияни яратишдаги юксак хизматларини қайд қил-ди, жаҳонда биринчи социалис-тик давлатни барпо этишда

унинг родини таъкидлади ва Россияни электрлаштиришнинг ленинча планга ҳақида гапириб берди.

Йиғилишнинг маданий алоқа-лар уругвай-совет институти ва университет коллективи бирга-ликда ташкил этди. Таътанали йиғилиш қатнашчилари совет давлати асосининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги нутқин зўр қизиқиш билан қўтиб олдилар.

Экономика ривожланмоқда

КОХИРА, 27 июль. (ТАСС). Исроилнинг Бирлашган Араб Республикасига қарши агрес-сияси давом этаётганлигига қара-май республиканинг sanoatни, қишлоқ хўжалигини ва ташқи сав-доси анча катта муваффақият-ларга эришди. Бирлашган Араб Республикасининг Президенти Жамоал Абдиль Носир араб со-циалистик иттифоқи умум мил-лий конгрессининг 4-сессиясида сўзлаган нутқида шу ҳақда гапирди.

«Ал-Ахром» газетаси бугунги сонидея мамлакатнинг ташқи савдоси ўсиб ривожланиб бора-ётганлигини тасдиқловчи бир қанча маълумотларни эълон қилди.

Кейинги 30 йил мобайнида,

деб таъкидлайди газета. Бир-лашган Араб Республикасининг ташқи савдо баланси биринчи марта 43 миллион миср фунти-дан иборат актив салдога эга бўлди, ваҳоланки, 60-йиллар-нинг иккинчи ярми бошларида Бирлашган Араб Республикаси-нинг ташқи савдо дефицити 205 миллион миср фунтини ташкил этган эди.

Экспортдан олинаётган даро-мадлар 1965—66 йиллардаги 258,5 миллион миср фунтидан 1968—69 йилларда 308 мил-лион фунтгача кўпайди.

Истеъмол молларини чет мамлакатлардан келтириш анча камайди. Бунга сабаб шунки, ана шу молларнинг кўпини Миср са-ноатининг ўзи ишлаб чиқара бошлади.

НИГЕРИЯНИНГ ТАШҚИ САВДОСИ

ЛАГОС, 27 июль. (ТАСС). 1970 йилнинг биринчи ярмида Нигерия ташқи савдосининг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ортди. Нигерия Федерал ста-тистика бюроси шу тўғрисида хабар берди. Ташқи савдонинг актив салдо 46,9 миллион нигерия фунтини ташкил этди. Илгиринг биринчи ярмида 211,3 миллион Нигерия фунти миқдорда товар экспорт қил-лиди. Бу—1969 йилнинг шу давридаги экспорт ҳажмидан 27 процент ортиқдир. Асосан хом нефтни кўпроқ чиқариш ҳисобига экспорт ортди.

Илгиринг биринчи ярмида им-порт 164,5 миллион Нигерия фунтини ташкил этди, яъни 38 процент кўпайди. Машина ва транспорт ускуналари, хими-катлар, sanoat товарлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари анча кўпроқ келтирилганлиги орқа-сида импорт ортди.

Меҳнат қилаётган пахтакорлар-этир.

Марокашдаги референдум натижалари

РАБОТ, 27 июль. (ТАСС). Марокаш ички ишлар министри Мухаммад Уфйир Марокашнинг янги конституцияси лойиҳаси юзасидан ўтказилган референ-думнинг тўғал натижаларини эълон қилди. Жама сайловчилар рўйхатига 4.868 минг сайловчи

КУБА ХАЛҚИНИНГ БАЙРАМИ

ГАВАНА, 27 июль. ТАСС мухбирлари Ю. Романцев билан В. Миронов хабар беришди:

Кеча Куба халқи ўзининг революцион байрами—миллий кўзгоғол кунини таътанали ра-вишда нишонлади. Гаванадаги Хосе Марти майдонда жула катта митинг бўлиб ўтди. Ми-тингда Куба Коммунистик пар-тияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, революцион ҳукумат Бош министри Фидель Кастро ҳозир бўлган жуда кўп чет эл меҳмонларини КПСС Марказий Комитетининг секре-тари К. Ф. Катусев бошчилиги-даги Совет делегациясини қиз-гини табриклади.

Фидель Кастро бундан 17 йил муқаддам Монкада казар-масига штурм қилган қаҳрамон-ларини яхши сўзлар билан хоти-раб, шундан кейин Куба иқтисо-дий тараққиёт масалаларига батафсил тўхтади.

Бош министр Куба халқи-нинг юксак онглигини ва рево-люционлигини таъкидлаб ўт-ди. Кунни кечатгина тамом бўл-ган 1970 йилги пакар қамши ўрчида бу нарсга яққол на-

моён бўлди. Натижада мамла-кат биринчи марта саккиз-арин миллион тонадан ортиқ қандшаклар етиштирди.

Ишчилар синфи меҳнатта ва ишлаб чиқариш манфаатларига оғли муносабатда бўлиш на-мунасини кўрсатди. Марксизм-ленинизмнинг амалий сабоги ана шундан иборат бўлди ва пролетариатнинг ролига бе-рилган баҳо тўғрисида исбот-ланди, деди Фидель Кастро.

Фидель Кастро ҳали ҳал этилмаган кўпгина проблема-лар ва қийинчиликлар борли-гини кўрсатиб ўтди. У, шу йил учун белгиланган иқтисодий планларнинг бажарилишида қолоқлик сезилаётганлигини айтди. Биринчи сабаби шунки, деди нотиқ, экономиканинг бир қанча соҳаларида малакали кадрлар етишмаётир, корхона-лар ва идораларнинг айрим раҳбарларида тажриба кам, иш-лаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмаётир.

Одам ва моддий ресурслар-дан энг мақбул тарзда самара-ли фойдаланиш, ишлаб чиқ-аришни бошқаришда корхоналар коллективларининг родини кў-чайтириш, айрим идоралар ў-расида координацияни яхши-лаш ва партиянинг родини мустақамлаш—Куба ривож-нинг ҳозирги босқичидаги асо-сий вазифалардир, деб таъ-кидлади Бош министр.

Фидель Кастро ишлаб чи-қариш вазифаларини ҳал этиш-да партия ва оммавий ташки-лотлар родини кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг ҳамма участкаларида маъмурий ва партия аппаратларининг вазифа-ларини аниқ белгилаб қўйиш зарурлигини айтди. У, Коммунистик партия билан Куба революцион ҳукумат раҳ-барлигидаги Куба халқи ҳамма қийинчиликларни муваффақ-ият равишда бартараф этади, деб ишонч билдирди.

СУВ ТОШҚИНАРИ

ДЕХЛИ, 27 июль. (ТАСС). Брахмапутра дарёсининг суви тошганлиги натижасида Хин-дистондаги Ассом штатида рўй берган тошқин натижасида 10 мингта яшн иморат бузилган, Салкам 250 минг киши бош панасиз қолган. Табиий офат етказган зарар бир неча ўн миллион рупийга боради.

ЛОНДОН, 27 июль. (ТАСС).

Венесуэлада рўй берган сув тошқини натижасида 25 киши ўлган, 5 мингдан ортиқ киши-уй-жойдан маҳрум бўлган.

Бир ҳафтадан ортиқ вақтдан бери тўхтовсиз ёғиб турган жа-ла латиясида рўй берган сув тошқини экинларга катта зарар-етказди, бир қанча районларда алоқани ва темир йўл қатновчи-ни издан чиқарди. Рейтер агентлиги мухбирининг Кара-кадсан хабар беришича, Ансоа-теги штатининг бош шаҳри Барселона айниқса кўп шикаст-ланган.

КАРОЧИ, 27 июль. (ТАСС). АПН агентлиги хабар беради: Шарқий Покистонда ҳалокатли сув тошқини содир бўлган. Мамлакат шу қисмидаги 19 райондан 14 таси сув остида қолган Табиий офат натижасида бир неча киши қурбон бўлган. Ўн минггад Покистонликлар бош панасиз қолган. Катта мод-дий зарар етган.

